

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
Касб таълими факультети

«Ҳимояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ доц. Я.У.Исмадияров
«_____» _____ 2014 й.

**5140900 – Касб таълими (5520600 – Машинасозлик технологияси,
машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш)
Бакалавриат таълим йўналиши**

МТ – 402 гуруҳ талабаси

Эшалиева Матлуба Нурмаматовна

**КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва
кўникмаларни шакллантириш технологияси**

Битирув малакавий иши

_____ **Талаба М.Н.Эшалиева**
Илмий раҳбар – “Ишлаб чиқариш
технологиялари” кафедраси доценти

_____ **Р.С. Шермухамедов**

Такризчи:

“Касб таълими методикаси” кафедраси
пед.ф.н., доценти

_____ **Р.Г. Муллахметов**

Ҳимояга тавсия этилсин
“Ишлаб чиқариш технологиялари”
кафедраси мудири пед.ф.н., доц.,
_____ **А.Э.Парманов**
«_____» _____ 2014 йил

Тошкент – 2014 й.

МУНДАРИЖА

Кириш

- **Асосий кисм**

1.1-§. Касб-ҳунар таълими, унинг қонуниятлари ва принциплари

1.2-§. Касб-ҳунар таълими жараёни

1.3-§. КХҚларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш бўйича талаблар.

- **Касб-ҳунар таълимида ўқув жараёнини
ташкил этиш**

2.1-§. Касб-ҳунар таълимининг ўзига хос хусусиятлари.

2.2-§. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш
Усуллари.

2.3-§. Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитларини яратишнинг
асосий йўллари.

2.4-§. КХҚларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш технологияси.

2.5-§. Тажриба синов ишларининг қўйилиши

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар

Луғат

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу муҳим вазифани ҳал этишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми – янги типдаги ўқув муассасаси бўлган касб-хунар коллежлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-хунар таълимини янги типдаги таълим муассаси сифатидаги ривож, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалаларни ҳал этишда касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш, таълим методларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Касб-хунар коллежлари тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими берувчи ўқув муассасаси бўлиб, у ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни беради.

Касб-хунар коллежларининг ўқув жараёни ишлаб чиқариш таълими, тарбиявий соатлар, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларидан иборат бўлиб, уларнинг яхлит педагогик жараён сифатида такомиллаштирилиши амалий тажриба-синов ишлари натижаларига кўра белгиланади.

Бу жараён касб-хунар коллежларида тегишли йўналишдаги мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими (мутахассислик фанлари бўйича лаборатория ва амалий машғулотлар, машиналарни бошқаришга ўргатиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти) ни юқори методик савияда ўтиш орқали амалга оширилади. Машғулотларнинг қайд этилган ташкилий шакллари ўқувчиларни танлаган мутахассисликлари бўйича амалий фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Касб-хунар коллежларида амалга ошириладиган касбий таълим натижасида назарий билим, кўникма ва малакалар тизими шакллантирилади, ишлаб чиқариш таълими жараёнида эса ўқувчилар асосан амалий касбий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу иккала муштарак жараён маҳсули сифатида муайян касб ва малакага эга бўлган кичик мутахассисни тайёрлаш таъминланади.

Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўллари кўра билиши лозим. Бундай талаблар даражасидаги мутахассисни тарбиялаш учун касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини амалга оширишнинг самарали шакллари, фаол методлари

ҳамда замонавий воситалари мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда илмий-методик жиҳатдан асослаш лозим бўлади.

Касб-ҳунар коллежларида малакали кичик мутахассис тайёрлаш ишлари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мутахассислик бўйича давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилганлиги;
- таълим мазмунида кўзланган таълим-тарбия мақсади ва вазифаларига мос келиши;
- малакали кичик мутахассис тайёрлаш жараёнининг барча таркибий қисмлари (назарий машғулотлар, лаборатория-амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти) ўзаро боғлиқ ҳолда узвий ташкиллаштирилиши;
- касбий таълим бериш мазмунининг фан, техника ва технология тараққиёти даражаси талабларига жавоб бериши.

Бу талабларни бажаришда ишлаб чиқариш таълимининг ўрни бекиёсдир. Чунки ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси - бўлажак малакали кичик мутахассисларни муайян мутахассислик соҳасида амалий фаолият кўрсатишга тайёрлашдан иборат. У эса ўз навбатида назарий билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш, зарур бўлган касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўз мутахассисликлари учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва хизмат кўрсатишга ўргатишдан иборат.

Ишлаб чиқариш таълими деганда бирорта касб ёки мутахассислик бўйича амалий ўқитиш тушунилади. Лекин, ҳозирги кунда бу атама бир томонлама бўлиб, касб-ҳунар коллежларида амалга ошириладиган таълим-тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида мутахассисликлар бўйича касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун маълум технологик, ташкилий-иқтисодий, назарий, техникавий билимлар берилади. У ўз моҳиятига кўра назарий таълим ва амалий меҳнат жараёнларининг синтезидир. Бу ҳолат унга ҳар томонлама мажмуавий ёндошувни талаб этади.

Ҳар қандай таълим жараёни ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ўқитиш – ўқиш фаолиятини кўзда тутди. Бунда, махсус ихтисослик фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилишда ўқувчи фаолияти икки томонлама характерга эга, яъни назарий билимларни ўзлаштириш ҳамда уларни қўллашнинг амалий кўникма ҳамда малакаларини ўзлаштириш. Улар таълим жараёнида бирлашади ва бир бутун педагогик жараёни ташкил этади. Ушбу хусусият таълим бериш жараёни ва методларига ҳам тааллуқлидир.

Ишлаб чиқариш таълими узоқ тарихга эга таълим бериш тури бўлиб, узоқ даврлар мобайнида у бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириб келинган. Йирик саноат корхоналари ва ривожланган қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши юқори малакали мутахассислар тайёрлашни талаб

килади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш жараёнини алоҳида таълим тури сифатида ташкиллаштирилишига олиб келди.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёни мустақил ва ўзаро боғланган назарий ва амалий қисмларга бўлинади. Амалий машғулоти юқори методик савияда ўтиш учун махсус фанларнинг назарий қисми талаб даражасида ўқитилиши лозим. Маълум соҳада кичик мутахассис тайёрлашда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига оид назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим масалалардан биридир.

Республикамизда бозор муносабатлари ўтиш шароитида тобора кенг кўлам олаётган янги техника ва илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчилари учун замонавий талаблар даражасига ўқув-услубий қўлланмалар яратиш талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур битирув малакавий иш ҳам бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ишлаб чиқариш таълими методикаси борасидаги назарий билимларини пухта эгаллашларига кўмаклашиш, амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга пухта замин тайёрлашга қаратилган. Бажарилган битирув малакавий ишнинг бугунги кунда Республикамиз таълим тизимида, жумладан касб-ҳунар таълимида оширилаётган ислохотлар жараёнида таълим мазмунини режалаштириш, меъёрлаш ва янги баҳолаш усуллари жорий этишга бўлган заруратнинг ортиб бораётганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот объекти: Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари амалга ошириш жараёни.

Тадқиқот предмети: Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари ва шакллари.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда биз битирув малакавий ишнинг **мақсадини** касб-ҳунар таълими мазмунини режалаштириш ҳамда таълим олувчилар билим даражасини шаклланишнинг тизимини методик асослаш деб белгиладик.

Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

1) Касб-ҳунар таълимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

2) Касб-ҳунар таълимининг ташкилий шакллари ва методларини аниқлаш.

3) Ўқувчиларнинг умумтаълим тайёргарлигида кўникма ва малакаларни шакллантириш мазмуни асослаш.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари таҳлил қилиш ва шу асосда баҳолашнинг аҳамиятини методик жиҳатдан асослашдан иборат.

Асосий қисм

1.1-§. Касб-хунар таълими, унинг қонуниятлари ва принциплари

Маълумки, ҳар бир соҳада фаолият кўрсатиш учун шу соҳада кенг кўламда қўлланиладиган тушунчалар моҳиятини билиш исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Шу ўринда “тушунча” нимани англатади, деган саволнинг туғилиши табиий ҳол.

Тушунча- нарс ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур; тафаккур шаклидир.

Педагогика [юн.paidagogike<pais, paidos-бола+ago-етаклаб бораман, тарбия қиламан] маъносини англатади. У таълим-тарбия ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуи. Ҳар бир фан ривожланиши учун маълум манбаларга таянади.

Педагогиканинг ана шундай манбалари-ўтмиш ва ҳозирги замон олимларининг тадқиқотлари ва назарий ишланмалари, педагогик амалиёт ҳамда илғор педагоглар тажрибалардан иборат.

Педагогика фан сифатида маълум ғояларни илғари суради, анъаналарга таянади.

Устувор ғоялари: тинчлик, инсон қадриятлари, экология, ҳамкорлик.

Анъаналари: жаҳон педагогларининг ижодий ҳамкорлиги;

-дунёдаги тарихий ва замонавий илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

-инсонпарварлик ва демократик анъаналарни кучайтириш.

Педагогик жараёни демократлаштириш қуйидагиларни кўзда тутди:

-Педагогик ўзаро таъсирда “Бола ҳуқуқи ҳақидаги халқаро конвенцияси”га амал қилиш.

-Таҳсил олувчининг эркин танлаш ҳуқуқи.

-Таҳсил олувчининг хато қилиш ҳуқуқи.

- Таҳсил олувчининг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.

- Педагогик ўзаротаъсирда ҳамкорлик муносабатлари.

Педагогика фани тизим сифатида қуйидагиларни ўзига қамраб:

1. **Умумий педагогика-**педагогиканинг асослари, дидактика, тарбия назарияси, таълим тизимини бошқариш ва ш.к.лар.

2. **Ёш педагогика-** мактабгача педагогика, бошланғич мактаб педагогикаси, умумий ўрта мактаб педагогикаси, олий мактаб педагогикаси.

3. **Махсус педагогика-** тифлопедагогика, сурдопедагогика, олигофренпедагогика, логопедия.

4. **Педагогикадаги алоҳида йўналишлар:** музей, муҳандислик, ҳарбий, спорт, музика, ишлаб чиқариш, касбий педагогика.

5. Интегратив алоқадорликка эга педагогиклар: ижтимоий педагогика, этнопедагогика, таълим ва тарбия фалсафаси, педагогика тарихи, қиёсий педагогика.

6. Янги йўналишлари: гуманистик педагогика, эркин педагогика, маданий педагогика, даволаш педагогикаси, реабилитация педагогикаси, ҳуқуқ педагогикаси ва бошқалар.

Педагогика таълим-тарбия ва шахснинг ривожлантириш қонуниятларини ва ўрганувчи ва амалий тавсиялар берувчи фан сифатида: нимани, нима учун, кимни, ким, қандай қилиб, қаерда, қанча муддат, нималардан фойдаланиб ўқитиш керак каби асосий масалаларни ҳал этади.

Касб-ҳунар педагогикаси педагогика фанининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, касб-ҳунар сир-синоатларини ўргатиш билан шуғулланади.

Касб-иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган аниқ тури, соҳаси; ҳунар.

Ҳунар-муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб.

Касб-ҳунар педагогикаси- ёшларда маълум соҳада фаолият кўрсатишлари учун етарли ва зарур бўлган билим, кўникма, малака ҳамда шахсий фазилатларни шакллантириш қонуниятларини ўрганиб, амалий тавсиялар берувчи педагогика фанининг тармоғидир. Республикамизда касб-ҳунар сир-синоатларига қуйидагича босқичли равишда ўргатилади.

Соҳа	Объект	Предмет
Элементар касбий таълим педагогикаси	Элементар касб-ҳунар таълим тизими (умумий ўрта таълим ва қисқа муддатли курслар негизида).	Элементар касбий билим кўникма, малакага эга касб-ҳунар соҳиблари (тор ихтисослик бўйича)ни ҳаётга тайёрлаш жараёни.

Касб-хунар педагогикаси	Уч йил муддатли касб-хунар таълими педагогик жараёни	Юқори малакали, кенг ихтисосли меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган кичик мутахассислар тайёрлаш .
Олий касб-хунар педагогикаси	Олий касбий таълим жараёни	Олий маълумотли касб-хунар соҳибларини тайёрлаш жараёни
Олий ўқув юртидан кейинги касб-хунар педагогикаси	Олий ўқув юртларидан кейинги касбий таълим жараёни (аспирантура, докторантура, адъюктура, изланувчанлик)	Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, шунингдек малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни.

Маълумки, касб-хунар таълими бир пайтнинг ўзида педагогик ва ишлаб чиқариш қонуниятлари асосида амалга оширилади.

Қонуният – объектив ҳодисалар орасидаги боғланишлар; қонун асосида, табиий равишда ўз-ўзидан келиб чиқувчи, муқаррар иш, ҳодиса ва ш.к.

Педагогикага оид манбаларда таълим қонуниятлари яқдиллик билан қабул қилинган эмас. Турли олимлар бу қонуниятларни ўз нуқтаи назарлари бўйича кўрсатадилар.

Масалан, И.Я.Лернер фикрича: дидактик қонуниятлар- ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолияти, ўзлаштириш объектлари орасидаги қуйидаги барқарор алоқадорликлардан иборатдир:

- 1.Таълимнинг тарбиявий тавсифига эгаллиги.
- 2.Таълим- жараёнининг ўқитувчи, таҳсил олувчи ва ўзлаштирилаётган объектларнинг ўзаро таъсири натижасида кечиши.
- 3.Таълим натижаларини таҳсил олувчиларнинг онгли фаол фаолиятига боғлиқлиги.
- 4.Таълимнинг ўқитувчи ва таҳсил олувчилар мақсадларини муштараклигида кечиши.
- 5.Таҳсил олувчи мақсадга мувофиқ ўзлаштиради, қачонки мақсадга мувофиқ фаолиятда у иштирок этса.
- 6.Ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари орасида узвий алоқадорликнинг мавжудлиги.
7. Мақсад- мазмун ва методларни аниқлайди, методлар ва мазмун эса мақсадга йўналтирилган бўлади.

8.Тушунчалар агар ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари мақсадини ташкил этилса ўзлаштирилади.

9.Малакалар шаклланади агарда ўқитувчи қайта такрорланувчан хатти-ҳаракатлар ва операцияларни ташкил этса.

10.Англаган мазмуннинг ўзлаштирилганлиги ва пухталиги унинг такрорланишига ҳамда аввалги ўзлаштирилганлар тизимига киритилганлигига боғлиқлиги.

11.Мураккаб хатти-ҳаракат усулларига ўрганилганликнинг аввал ўзлаштирилганларга таянганлик билан боғлиқлиги.

12.Барча объектив алоқадорликдаги ахборотлар унга ўқитувчи томонидан ўзлаштирилганлар билан бирга қўйилганда ўзлаштирилиши.

13.Ҳар қандай ахборот бирлиги ва иш-ҳаракат усули ўқитувчи томондан аввалгиларига таянганлигига кўра билим, кўникма бўлади.

14.Ўзлаштириш даражаси ва сифати бир хил шароитда хотира ва қобилиятга, ўрганилаётган мазмунни ўқувчилар учун муҳимлигига боғлиқлиги.

15.Вазифаларни ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларига мос ҳолда вариациялаш, ўзлаштирган мазмунни кўчиришга оид тайёргарлигини шакллантириш.

16.Таълим мазмунининг ўзлаштириш пухталиги ва жадаллиги ўқувчиларнинг қизиқишлари ва ўқув фаолиятига боғлиқлиги.

17.Ўқувчиларни ривожланганлик даражасининг улар ўзлаштирган билим, кўникма, ижодий фаолият тажрибасига тўғри пропорционаллиги.

18.Бир хил шароитда таълимнинг муваффақияти ва тезлиги ҳамда ривожланишини ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига киришганликларига боғлиқлиги.

19.Ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш уларни тушунарли ва муҳим муаммолар ечимини топишга киришишлари орқали мумкинлиги.

20.Ўқувчилар тушунарли ижодий фаолият даражасига маълум кўрсаткичларга кўра аниқланадиган муаммоли вазифалар тизими воситасида эришилади.

Аввал зикр этилганидек, касбий тайёргарлик ягона жараён сифатида педагогик ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўзига қамраб олади ҳамда мос ишлаб чиқариш қонуниятларига ҳам амал қилади.

Касб-ҳунар таълимида амал қилинадиган ишлаб чиқариш қонуниятлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучларига мослиги;
- ишлаб чиқаришда мулкчилик муносабатлари;
- ишлаб чиқаришда меҳнат характерини ўзгариши;
- талаб ва эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш даражасидан юқорилиги;
- ишлаб чиқаришда меҳнатга яраша тақсимот;
- ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқаришга нисбатан ўсиши;

- ишлаб чиқаришда режали пропорционал ривожланиш;
- моддий неъматлар яратувчиларнинг ўз онгли, хулқ-атвори, ҳис-туйғуларини қайта ишлаб чиқариши;
- йирик машинасозлик саноатининг узлуксиз ортиб бориши;
- ишлаб чиқариш жараёнларини табақалаштириш ва мужассамлаштириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш;
- ишлаб чиқаришни мажмуавий механизациялаштириш, электрлаштириш, автоматлаштириш, роботлаштириш;
- ишлаб чиқаришни интеллектуаллаштириш;
- меҳнат ресурсларининг ўзаро тақсимланиш суръатини ортиши;
- хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши;
- бевосита ишлаб чиқариш билан машғул мутахассслар сонини камайиб бориши;
- ишлаб чиқариш меҳнатини жамоавий ташкил этилишини ортиши, демократиялаш, ўз-ўзини бошқариш кабилар.

Шундай қилиб, касбий таълим мақсадлари ва зикр этилган қонуниятлардан унинг қуйидаги принциплари келиб чиқади.

1.2-§. Касб-ҳунар таълими жараёни

Таълим-билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ҳамда меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим ва тарбия узвий боғлиқ бўлиб, маълумот уларнинг натижасидир.

Ишлаб чиқариш нуктаи назардан олиб қараганда **жараён**- объектга мақсадга мувофиқ таъсир этиб, унинг ҳолати, хусусияти, шакли кабиларни ўзгартиришни англатади. Агар касб-ҳунар таълими ишлаб чиқариш ва педагогик қонуниятларга асосланишини ҳисобга олсак, **касб-ҳунар таълими жараёни**- таҳсил олувчилар ҳис-туйғулари, онги, характери кабиларга мақсадга мувофиқ таъсир этиб, уларда билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар шакллантириш тизими эканлиги келиб чиқади. Шу ўринда тизим ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган қисмлардан ташкил топган тузилма эканлигини ёдда тутиш зарур. Тизимни ўрганиш учун тизимли ёндашувдан фойдаланилади. Тизимли ёндашувга кўра: таълим тарбия иштирокчилари, мақсади, мазмуни, уни ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ҳамда натижалари яхлит жараённинг ташкил этувчи элемент (қисм)лари сифатида эътироф этилади. Ҳар қандай жараён каби таълим-тарбия ҳам маълум замон ва маконда зуҳр бўлади.

Макон- бу микро, мезо ва макромуҳит бўлиб, шахс ривожланишини таъминлайди.

Замон нуктаи назаридан олиб қараганда таълим-тарбия жараёни шахснинг ижтимоийлашуви. Яъни узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Зикр этилганларга кўра касб-хунар таълими жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Касб-хунар таълими жараёни модели

Касб-хунар таълими жараёни унинг иштирокчиларини ҳамкорлигига асосланади. Унда энг муҳими таҳсил олувчиларни ўзгартириш ҳисобланади.

Бу ўзгариш ўқитишнинг ютуғи, мақсадга эришилганлигига боғлиқ бўлмайди. Чунки ўқув материални ўзлаштирмаган таҳсил олувчилар ҳам аввалгидай қолмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга таъсир кўрсатувчи барча

омилларни ҳисобга олиниши, салбий оқибатларини бартарф этиш зарур. Бошқача айтганда маълум зиддиятларни бартараф этиш зарур бўлади..

Касбий таълим –тарбия ишида қуйидаги зиддиятлар мавжуд:

- касбий таълимга қўйилган талабларнинг стандартлашганлиги ва ўқувчилар шахсининг турли-туманлиги;
- таълим мазмунидаги бир хиллик ва миллий – тарихий анъаналарнинг турли-туманлиги ;
- халқ маданиятининг яхлит манзараси ва унинг ўқувчиларга турли ўқув предметларида алоҳида бўлақлар тарзида тақдим этилиши;
- касбий таълимнинг мавжуд ҳолати ҳамда ижтимоий буюртма орасидаги тафовут кабилар.

Бу зиддиятлар касб-ҳунар таълимини ҳаракатлантирувчи сабаблари ёки омиллари ҳисобланади.

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларда зикр этилганидек, узлуксиз таълим- давлат ва нодавлат таълим муассасаларида амалга ошириладиган кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа.

Узлуксиз таълимнинг замон нуқтаи назардан тавсифи- бутун ҳаёт давомидаги жараён.

-Узлуксиз таълимнинг макон нуқтаи назардан тавсифи- ўтказилиш жойи чегараланмаган.

-ташқи тавсифи- барча элементларнинг узвийлиги, паст босқичдан юқори босқичга секин-аста тадрижий йўл билан ўтилиши турли таълим босқичларининг бири иккинчисини тўлдириб бориши.

-миқдор тавсифи- аҳолининг барча табақаларини қамраб олиши.

- функционал тавсифи- таҳсил олувчи- таълим жараёнининг субъекти ўқитувчини оппоненти ва истиқболда ундан юқори даражага кўтарилувчи.

- ривожланиш тавсифи- узлуксиз таълим бу жараён унинг етакчи анъанаси-узлуксиз равишда мазмун, ташкил этиш шакли, амалга ошириш методлари ва воситаларининг янгиланиб бориши, таълим-тарбия жараёнининг жадаллашиши.

Касб-ҳунар таълимининг иштирокчилари. Маълумки, ҳар қандай таълим-тарбия ишида, шунингдек касб-ҳунар таълими марказида унинг тенг нуфузли иштирокчилари - ўқитувчи ва таҳсил олувчилар туради. Бу иштирокчиларнинг бирини иккинчисига нисбатан юқори нуфузга эга деб эътироф этиш ўзига хос бир ёқламаликка олиб келади. Улар орасидаги онгли ўзаро ҳамкорлик, мулоқот, муносабат, уларнинг бир-бирига кўрсатадиган акс таъсирларини ҳисобга олиш зарур.

Бу иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида, яъни таълим-тарбия жараёнида авлодлар ворислиги таъминланади.

Маълумки, касб-хунар коллежларига таҳсил олувчилар умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфларини битирганлар сафидан қабул қилинади. Одатда уларнинг ёши ўн беш- ўн саккизда бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўладилар. Ватандошимиз етук психолог олим Э.Ғозиев ва унинг маслакдошлари фикрича бу ёшдаги ўспиринлар қуйидаги хусусиятларга эга бўладилар:

- жисмоний баркамолликнинг ифодаланиши;
- руҳий жиҳатдан муайян кўрсаткичга эришилганлиги;
- хулқ, фаолият ва муомала жараёнларида индивидуалликнинг шаклланиши;
- эътиқод, дунёқараш ва позицияда барқарорликнинг мавжудлиги;
- билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда индивидуаллик;
- фаолиятга оид индивидуал услубнинг пайдо бўлиши;
- касбий мотивациянинг устуворлиги;
- маънавий эҳтиёж, барқарор қизиқишнинг қатъиян етакчилиги;
- мутахассисликка муносабатнинг шахсий позицияга бўйсундирилганлиги;

- умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежи ва олий мактаб ва шу кабилар муҳитини ўзига хослигининг улар шахсиятида ифодаланиши;
- амалиёт ва муҳитга мослашишнинг сифат жиҳатидан тафовутланиши.

Педагогик жараённинг моҳияти унда иштирок этувчи ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолияти мазмунида ўз ифодасини топади. Бунда ўқитувчининг фаолияти таҳсил олувчиларни йўналтириш, сафарбар этишдан иборат бўлиб, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар билан белгиланади, ўқитувчи ўқув материални таҳсил олувчининг онгига етказиш учун энг аввало мақсад, шарт- шароит, вазиятга кўра маълум ташкил этиш шакллари, амалга ошириш метод ва воситалардан фойдаланади.

Таълим-тарбия мақсадлари. Таълим-тарбия мақсадлари: таълим-тарбиянинг мақсади, ҳар доим ижтимоий буюртма асосида маълум натижага йўналган бўлади. Шунга кўра таълим-тарбия ишининг барча компонентлари: мазмуни, ташкилий шакли, амалга ошириш метод ва воситалари мақсадга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам педагогикада таълим мақсади энг муҳим муаммолар сирасига киради.

Таълим-тарбия иши умумий ва индивидуал мақсадларга ажратилади. Ҳамкорлик педагогикасида умумий ва индивидуал мақсадларнинг уйғунлигини таъминлаш ғояси илгари сурилади.

Амалий фаолиятда мақсад аниқ вазифалар тизими сифатида қаралади. Мақсад ва вазифалар ўзаро яхлит бўлиб улар қисмлар сифатида уйғунлашади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия мақсади деганда ечимини топиши зарур

бўлган вазифалар тизими назарда тутилади. Одатда ягона мақсадга кўплаб йўллар билан эришилади.

Касбий таълим мақсадларини белгилаб олиш таълим методларини аниқлаш, тўғри шакллантириш, турлаш ва тизимлаштириш, яъни кетма-кет масалалар ва саволлар тарзида ифодалаш ўқитувчи касбий фаолиятининг энг мураккаб ва масъулиятли босқичи ҳисобланади.

Чунки у ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичларига йўналтирувчи омил, мўлжал сифатида хизмат қилади. Таҳсил олувчилар онгига етказилган таълим мақсадлари уларнинг онгли ва фаол, мустақил ўқув-билиш фаолиятини таъминлайди.

Ўқув мақсадларини белгилашда таҳсил олувчи ўзини қандай ҳолатда тутиши лозимлигини ифодаловчи шундай сўз (феъл, амал) ишлатиш зарурки, у мақсадни аниқ тушунилишини таъмин этсин. Бунинг учун, академик М.И.Махмутов замонавий дарс тузилмасида белгилаб берганидек, ҳар бир мавзуга оид таянч янги шаклланиши зарур бўлган тушунчаларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади. Ажратиб кўрсатилган таянч сўзларнинг ўзлаштирилиш даражасини белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадларини тизимлаштириш ва даражалашни қуйидаги жадвал кўринишида амаллар орқали белгилаш мақсадга мувофиқлиги кўплаб ватандош олимларимиз томонидан ҳам таъкидланган (-жадвалга қаранг).

1--жадвал

№	Ўқув мақсадлари	Амаллар
1.	Билиш	Идрок этилган маълумотни қайтариб айтиш, хабар бериш, номлаб ёзиш, фарқлаш, таниш, айтиб бериш, такрорлаш.
2.	Тушуниш	Далиллар келтириш, ўрнини алмаштириш, аниқлик киритиш, моҳиятини тушунтириш, ўзгартириш киритиш, изоҳлаб бериш кабилар
3.	Қўллаш	Ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардан амалда фойдаланиш, ишларни бажариш, намойиш этиш, ўргатиш, аниқлаш, ечимини топиш.
4.	Таҳлил қилиш	Ажратиб кўрсатиш, келтириб чиқариш, табақалаштириш, таснифлаш, таклиф этиш, олдиндан башорат қилиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳларга ажратиш.

5.	Синтезлаш	Умумлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, кашф этиш, тизимлаштириш, лойиҳалаштириш.
6.	Баҳолаш	Ташҳис қўйиш, исботлаш, асослаш, қиёслаш, солиштириш кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия мақсади- жамиятнинг маълум турдаги шахсларга қўядиган талабларни назарий жиҳатдан умумлашган ҳолда ифодалайди. Демак, таълим- тарбия мақсадлари аниқ тарихий вазиятга кўра ўзгаради ва у жамият, давлат ёки алоҳида ижтимоий гуруҳ томонидан қўйилади.

Таълим-тарбия мақсади- унинг тарихий ва ижтимоий моҳиятини ёритади ва йўналиши, мазмуни, шакли ва методларини аниқлайди. Масалан:

инсонпарварлик педагогикаси- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини тенг ҳуқуқли, ҳамкорлар фаолияти деб қарайди.

Таълим тизимининг характери мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий тузум, маданий-тарихий ва миллий ўзига хос хусусиятлар билан аниқланади.

Таълим дастури-маълум йўналиш ва даражадаги таълим мақсади қоида мазмунини аниқлаштиради.

Касбий таълим дастурларининг кўринишлари: умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган бошланғич (элементар) касбий таълим; касб-хунар коллежларида амалга ошириладиган ўрта махсус касбий таълим; олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган олий касбий таълим; аспирантура, докторантура, адъюнктурада ва мустақил тадқиқотчилик йўли билан амалга ошириладиган олий таълимдан кейинги касбий таълим кабилар сифатида эътибор этилади.

Маълумки, таълим-тарбия мақсадига “нима”ни ва қандай даражада ўзлаштирилиши билан эришилади. Ана шу “нима” таълим мазмунида ўз ифодасини топади. Биз таълим (ўқув материали) мазмуни деганда ўрганилаётган буюм ёки предмет, воқеа-ҳодиса, жараён, иш-ҳаракат кабиларнинг моҳиятини ўзида акс эттирувчи фикр шаклига тушунамиз ва у турли шаклларда ўз ифодасини топиши мумкин деб биламиз. Амалда таълим мазмуни нима учун нимани ўзлаштириш кераклигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ана шу масала қуйидаги фаслда ўз ифодасини топади.

Таълим -тарбия мазмуни. Таълим -тарбия мазмунини танлаб олишга қуйидаги омиллар таъсир этади: таълим мақсади; фан, маданият, ҳуқуқ, сиёсат ва динга муносабатларнинг шаклланганлик даражаси; халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш; таҳсил олувчилар имконият даражалари; мамлакатнинг иқтисодий ва техник ривожланганлик даражаси; давлатнинг таълим соҳасидаги анъаналари; таълим-тарбия назариясининг ривожланганлик

даражаси; мазмун ҳажмига уни ўрганиш учун ажратилган вақт миқдорига муштараклиги кабилар.

И.Я.Лернер таълим мазмунини ташкил этувчи компонентлар сирасига қуйидагилар мансублигини кўрсатади:

1. Табиат, жамият, инсон ҳақидаги билимлар: тушунча ва иборалар; ҳар кунлик ҳаёт ва фандаги далиллар; назариялар ва қонунлар; илмий ва ижтимоий ғоялар; фаолият усуллари, билиш методлари, фан тарихи ҳақидаги билимлар; баҳолаш билимлари, меъёрий муносабатлар ҳақидаги билимлар.

2. Фаолиятни амалга ошириш тажрибалари:

а) қўникмалар-ўзлаштирилган билимлар асосида қўйилган масаланинг ечимини топиш борасида хатти-ҳаракатларни бажариш имкониятлари;

б) малака ва одатлар-ҳаракатни кўп марта такрорлаб такомил даражада амалга оширилиши;

в) умумлаштирилган билим-ўқув ва илмий манбалар билан мастақил ҳолда ишлаш, кузатишлар олиб бориш, таҳлил этиш, умумлаштириш кабилар;

г) амалий ўлчов-текширув, ҳисоб-китоб, график, приборлар билан ишлаш, техник ва технологик қурилмалар билан ишлаш;

д) ташкилий: режалаштириш, ўз вақтидан оқилона фойдаланиш;

е) баҳолаш: иш натижасининг ҳаққонийлиги ва илмийлигини баҳолаш;

3. Ижодий фаолият тажрибалари: фаолият кўринишлари: янги муаммоларнинг ечимини топиш илгари ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларига кўчириш; муқобил вариантларни танлай олиш; янги иш-ҳаракат усуллари шакллантириш.

4. Эмоционал-муҳим муносабатлар тажрибаси: ахлоқий стимулларни, эстетик талабларни эмоционал ҳолатларни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, касбий таълим мазмунини танлаб олиш манбалари, мезонлари ва шу кабиларни қуйидаги шаклдан фойдаланиб тушунтириш мумкин.

1.3-§. КХҚларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш бўйича талаблар

Билим- борлиқни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси. Обьектив реалликнинг инсон онгида адекват акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, фикр мулоҳаза, назариялар). У илмий, эмперик, назарий билимларга ажралади.

Билимларнинг тушунарлилиги, мукамаллиги, чуқурлиги, тезкорлиги, ихчамлиги, аниқлиги ва умумийлиги, тизимлилиги муҳим сифатлари ҳисобланади.

Билимнинг мукамаллиги-объект ҳақидаги тушунчанинг барча белгилари, алоқадорлиги ва муносабатлари билиш билан белгиланади.

Билимнинг чуқурлиги- тушунчалар орасидаги ўзаро алоқаларни ҳамда улардаги муҳим белгилар сонини аниқлаш билан белгиланади.

Билимларнинг тезкорлиги- ўзлаштирилган билимлардан турли вазиятларда ўз вақтида ва қисқа вақт давомида керакли қарор қабул қилишда ўз аксини топади.

Билимларнинг ихчамлиги- тушунарли, аниқ, лўнда, мақбул, оқилона каби сифатларда ўз ифодасини топади.

Билимнинг тизимлилиги- тушунчаларнинг иерархиясини аниқлашда, изчиллиги, ўзаро боғлиқлиги кабиларда намоён бўлади.

Билимларни маҳсулли ёки маҳсулсиз қўллаш билан унинг англаниш даражаси аниқланади.

Билимлардан ижодий фойдаланиш учун ўқувчида муаммони турли вариантда, мақбул, оқилона ечимини тез топиш қобилияти, яъни мослашувчан билими шаклланиши зарур. Билимлар мослашувчан бўлиши учун эса ҳар томонлама тўлиқ бўлиши зарур. Демак, билимлар маълум бир сифат кўрсатгичига эга бўлиши бевосита бошқа сифатларни талаб этади ёки келтириб чиқаради. Объектив олам ҳақидаги билимларсиз кўникма ва малака шаклланиши мумкин эмас, у амалий фаолият воситаси ва натижасидир, билимларсиз эмоционал муносабатлар ҳам шаклланмайди. Жамият талаблари даражасида билимларни ўзлаштиришни таъминлаб, касб-хунар коллежлари қуйидаги мақсадларга ҳам эришади.

1. Ўқувчиларни оммавий равишда мустақил ўқиб-ўрганишга, яъни мустақил ҳолда ўз билими, ҳаётий тажрибаларини ошириб боришга ўргатиш, шиддатли ахборот оқимини мўлжалга олиш, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш кабилар;

2. Ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини тарбиялаш, бу билан юқори унумли ишлаб чиқариш кучлари, фаннинг ривожланиши, ақлий салоҳиятни шакллантириш кабиларга эришиш;

3. Ўқувчиларда диалектик дунёқарашни шакллантириш. Бу мақсадлар илгарилари ҳам қўйилган, лекин мустақиллик, ижтимоий муносабатларни ўзгариши, дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мустақил республикамиз учун у янада долзарб муаммолардан бирига айланади. (янги ижтимоий масалалар ечимини топишда юқоридаги хислатлар янада ёрқинроқ намоён бўлади).

Манбаларда “Билим” тушунчаси турлича изоҳланган, унга турлича ёндашилган, шу боис яқдиллик билан қабул қилинган тавсиф, яъни изоҳ ҳам шу пайтгача мавжуд эмас. Лекин кўплаб муаллифлар фикрича билим- объектив оламни акс эттириш (инъикос)дир. Билимларни шаклланишини ўрганувчи фан педагогика уни натижа сифатида қараб чегараланмайди, ўзлаштириш жараёни ва унда иштирок этадиган ўқув-билиш фаолиятини, унинг босқич ва даражаларини ҳам кўзда тутди. Биз билишнинг дастлабки даражасини бошқа олимлардан фарқли улароқ “тасаввур” даражаси деб биламиз. Тасаввур- идрок

килинган, ҳис этилган нарса ёки ҳодисанинг киши онгида акс этиши, гавдаланиши. Билим жамият бойлиги (мулки) сифатида турлича шаклларда кодлаштирилади: китобларда, санъат асарларида, ишлаб чиқилган маҳсулот ва предметларда. Шахснинг билимлари фақат унинг фаолиятида ўз ифодасини топади. Ўзлаштириш жараёни бир қатор босқичларда амалга ошганлиги боис “билим” ана шу босқичларнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Одатда ўзлаштириш қуйидагича уч босқичда амалга ошганлиги сабабли билимларни ўзлаштиришнинг ҳам уч даражасини И.Я.Лернер қуйидагича эътироф этган:

Биринчи даражадаги ўзлаштириш- объект ҳақидаги ахборот онгли равишда идрок этилиб ўзлаштирилади ва хотирада сақланади. Бундай идрок этишда ахборотлар турлича усулларда ташкил этилиши мумкин- предметни бевосита кузатиш, у билан хатти- ҳаракатни амалга ошириш, сўз орқали эшитиш, белгилар орқали ифодалаш ва ш.к. Барча ҳолларда ахборотни идрок этиш, уни англаш ва хотирада қайд этиш ҳақида сўз бормоқда.

Иккинчи даражадаги ўзлаштириш- билимларни қўллаш усулларини ўзлаштириш бўлиб, иш-ҳаракат усуллари намуналарга, ёки жуда кичик ўзгартирилган вариантларда бажаришда қўлланиши кўзда тутилади.

Учинчи даражадаги ўзлаштириш- ўзлаштирилган ахборотлардан янги, илгари маълум бўлмаган вазиятларда ижодий мустақил фойдалана олишини кўзда тутди.

Касб- ҳунар таълими учун биринчи ва иккинчи даражали ўзлаштириш етарли эмас. Чунки замон талаблари учинчи даражадаги ўзлаштиришни таъминлашни ўзига мақсад қилиб қўяди, яъни мустақил ва ижодий ишлай оладиган кичик мутахассисларни тайёрлаш вазифаси кўзда тутилади. Билимлар охирги босқичида объектив олам ҳақидаги ахборотларни ўзлаштириш, унинг ички ва ташқи алоқалари, ўзаро муносабатлари ва турли вазиятлар ижодий қўллашни кўзда тутди.

Билимлар шахсни шакллантиришда қуйидагича учта вазифани бажаради:

Биринчидан объектив оламни тасаввур этиш асоси бўлиб, хизмат қилади. У антологик деб ҳам юритилади. (антология грек Оламни билиш назарияси маъносини англатади). Инсон биринчи онлардан бошлаб оламни англай бошлайди, предметларни тасаввур этади, ундан сўнг улар орасидаги алоқадорларни пайқайди, шундай қилиб ўз ўрнини аниқлайди.

Билимларнинг иккинчи вазифаси- мўлжаллаш, яъни амалий ёки маънавий фаолияти йўналишини аниқлаш.

Учинчи вазифаси- баҳолаш билимлари оламга нисбатан муносабатларни шакллантириш асоси бўлиб хизмат қилади.

Билимлар-табиат, жамият, техника, инсон ва иш- ҳаракат усуллари ҳақидаги ахборотларни ўзида ифодалайди. Иш-ҳаракат усуллари амалга оширишда билимлар камлик қилиб, уларни амалга оширишни ҳам билмоқ зарур, яъни иш-ҳаракат усуллари амалга жорий этиш тажрибасини эгаллаш керак. Бу тажриба таълим мазмунининг иккинчи ўзига хос хусусияти

ҳисобланади. Унинг ўзлаштирилиши кўникма ва малакаларни таъмин этади. Шундай қилиб, мазмуннинг иккинчи таркибий қисмини вазифаси иш-ҳаракат усуллари ўзлаштиришдан иборатдир. Бу тажрибани ўзлаштиришда машқ муҳим аҳамият касб этади. Ижодий тажрибани эгаллаш кетма-кетлиги, қадамлари, операциялари, хатти-ҳаракатлари ўқувчиларга ўргатилмайди, балки муаммонинг ечимини топиш йўллари, шарт-шароит, имконият ва шу кабиларга кўра мақбул вариантни мантиқан мустақил ўйлаб, ҳис-туйғулар асосида танлаш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам касб-хунар коллежлари касбий тайёргарлик даражаси, ўзлаштирган кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида 2007 йилдан бошлаб ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш амалиёти тўлиқ тугагандан сўнг якуний давлат аттестациясидан олдин касбий-амалий имтиҳонлар ўтказилади. Бундай имтиҳонларни ташкил этиш шакли, берилаётган топшириқлар мазмуни эгаллаётган касб ва ихтисосликлар хусусияти ҳамда стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Имтиҳонлар касб ва ихтисосликлар хусусияти, касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва илмий-услубий жиҳатдан таъминланганлиги, мавжуд шарт-шароит кабиларга кўра коллежнинг ўқув устохонасида, лабораториясида ёки хомий ишлаб чиқариш кархоналари базасида ташкил этилиши мумкин. Касбий-амалий имтиҳонда таҳсил олувчининг топшириқни бажариши қуйидаги мезонларга кўра баҳоланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- техник хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши;
- технологик режимга тўғри амал қилиниши;
- чизмалар, технологик хариталар ва йўриқномаларни тушуниш ва улардан тўғри фойдаланиш;
- дасгоҳ, мослама, ўлчов-текширув асбобларидан ўз ўрнида тўғри фойдалана олиш;
- иш жойини илмий асосда ташкил этиши ва тутиши;
- бажарган ишнинг сифати;
- вақт, энергия, хом ашё материаллардан унумли фойдаланиши кабилар.

Манбаларда “кўникма” ва “малака” ибораларига кўп сонли изоҳлар берилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур эмас деб биламиз. Лекин шу ўринда зикр этилган бу икки тушунча орасидаги қандай фарқли жиҳатлар мавжудлигини ёдда тутиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, касбий таълим натижаси қандай шаклланганлигини махсус назорат орқали аниқланади. Назорат таълим-тарбия жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида аниқлашдан иборат. Назорат ҳар қандай, шу жумладан таълим-тарбия жараёнининг муҳим босқичидир. Чунки у: ўқув мақсадга эришганликни; ютуқ ва камчиликларни аниқлаш; бу жараён

иштирокчилари фаолиятга ўзгартиришлар киритиш; масъулият ва жавобгарликни ошириш кабиларни кўзда тутди. Назорат қилишда нималарга диққат-этибор қаратиш, қандай меъёр ва мезонларга таяниш зарурлиги аҳамият касб этади. Назорат натижаларни баҳолашда асос ҳисобланади. Баҳолашда иш ўрнини тўғри ташкил этиш; асбоб-ускуна мосламалардан тўғри фойдаланган ҳолда иш-ҳаракат усуллари бажарганлик; меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; хатти-ҳаракатларни мустақил бажариш; сифат ва самарадорликка эришиш; вақт, хом ашё ва энергиядан унумли фойдаланиш кабилар ҳисобга олиниши зарур. Қўйиладиган баҳо эса меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

- **Касб-ҳунар таълимида ўқув жараёнини ташкил этиш**

2.1-§. Касб-ҳунар таълимининг ўзига хос хусусиятлари

Касб-ҳунар таълими тизими мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ҳар томонлама камолга етган, техникавий маълумотли, ғоявий турғун, ўз касбини пухта эгаллаган, янги техникани ўзлаштира ва такомиллаштира оладиган ва меҳнат анъаналарини бойита биладиган кичик мутахассислар тайёрлаши лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида малакали, ёш мутахассисларни тайёрлаш жараёни иккита мустақил қисмдан: назарий ва ишлаб чиқариш таълимидан иборат.

Назарий таълим ўқувчиларнинг умумий билим, ижтимоий, умумтехника ва махсус фанларни ўрганишларини ўз ичига олиб, уларда ўрганилаётган касбни онгли тарзда мустаҳкам ва чуқурроқ эгаллашлари учун зарур ҳажмдаги билимлар тизимини шакллантириш ҳамда ишлаб чиқариш малакасини янада оширишни мақсад қилиб қўяди.

Билим деганда мақсадга қаратилган педагогик жараён, мустақил ўқиш, ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибаси натижасида шаклланадиган ва хотирада мустаҳкамланиб қоладиган ўқувчиларнинг фанлар ва реал воқелик ҳодисалари ҳақидаги, табиат ва жамият қонунлари ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари ва мулоҳазалари тушунилади.

Ўқув юртига кирган ўқувчиларнинг билим даражасига қараб (тўлиқсиз ўрта, тўлиқ ўрта, умумий билимли) назарий таълимга жами ўқиш вақтининг ўрта ҳисобда 60 фоизигача ажратилади.

Ўқув юртига кирган тўлиқсиз ўрта маълумотли ўқувчилар умумий таълим фанларини ўрта мактаблар дастурлари ва дарсликларда белгиланган соатлар ҳажмида ўрганадилар. Бу эса ўқув юртини тамомлаганларга тўлиқ умумий ўрта маълумот олиш имконини беради.

Бўлажак мутахассис касбий моҳирлик билан бир қаторда фанлар асосини билиши, техникани, технологияларни ривожлантиришнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий тамойилларини тушуниш катта аҳамиятга эга. Бу нарса ишлаб чиқариш зарурати бўлиб қолмоқда. Илмий-техника тараққиёти мутахассисларнинг ихтисослашувини енгишга ёрдам беради ва кенг ихтисосли мутахассис тайёрлашни биринчи ўринга қўяди, мутахассисларни ўз билимлари даражасини доимо ошириб боришга, малакасини оширишга ундайди.

Касблар учун узлуксиз ҳисобланадиган умумтехника фанлари - умумкасбий фанлар (ишлаб чиқаришнинг умумий технологияси, материалшунослик, электротехника, чизмачилик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар) ни ўрганишдан асосий мақсад - муайян тармоқлар учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнларининг асосий тамойилларини, ускуналар тузилиши ва ишининг назарий асосини, асосий материалларнинг хоссаларини очиб беришдан, малакали ишчилар тайёрлашнинг политехник йўналишини чуқурлаштиришдан иборат. Умумтехника фанлари (умумкасбий) ўз мазмуни ва махсус туркумдаги фанлар ўртасидаги ўзига хос боғловчи бўғин ҳисобланади.

I) махсус фанларни ўрганишнинг вазифаси - ўқувчиларнинг муайян касбга мувофиқ машиналар, механизмлар, аппаратлар, асбоблар ва шу кабиларнинг тизими ҳақида, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш, меҳнатни ташкил этиш, материаллар тўғрисида билимлар олишдан иборатдир. Буларни ўрганиш ўқувчиларни замонавий ишлаб чиқаришни тушунишларига ҳамда муайян касб учун хос бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш малакасини шакллантиришга ёрдам беради.

II) Ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси келгусида малакали ишчи бўлиб етишадиган ўқувчилар муайян касб соҳасида кўрсатишга тайёрлашдан, яъни билимларни амалиётга татбиқ қилиш ўрганишдан, зарур касб кўникмаси ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Малака - ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракат (ёки ҳаракатлар мажмуаси) муайян шароитлар мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб ва шу туфайли меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишдир.

Кўникма - малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди ва бу нарса ўқувчиларнинг кўп марта такрорлаши - машқлар натижасида юзага келади.

Ишлаб чиқариш таълими - малакали ишчилар тайёрлаш жараёнини ҳаят муҳим таркибий қисми бўлиб, унга умумий ўқув вақтининг катта қисми ажратилади (бугунги кунда ўртача 800-850 соат).

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади таълим олувчиларни касбий маҳоратга, яъни инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган моддий бойликларни яратишга йўналтирилган мақсадли фаолиятга амалий тайёрлашдан иборат.

Маълумки, меҳнат - инсоният жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланишини таъминловчи асосий шарт, меҳнат қилиш қобилияти бўлса инсоннинг асосий сифати ҳисобланади. Меҳнат қилиш жараёнида инсонлар ишлаб чиқариш қуролларини тайёрлайди ва унинг ёрдамида ўзини ўраб турган табиатни, муҳитни онгли равишда ўзгартиради.

Таъкидланганидек, ишлаб чиқариш меҳнатига ўргатиш - инсоният жамиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўсиб келаётган авлод вакиллари ўзларига ворислик асосида қолган ишлаб чиқариш қувватларидан муваффақиятли фойдалана олмаса, бундай жамият ривожланишдан тўхтади ва инқирозга юз тутди. Ўсиб келаётган ёш авлод меҳнат фаолиятига киришишда асрлар давомида шаклланган тажрибаларни ўзлаштиришлари учун катта ёшдагилар уни мос равишда иш усулларига ўргатишлари талаб этилади.

Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий ва мақсадга мувофиқ йўналтирилган ўқитиш жараёнида учта ўзаро боғлиқ тушунчаларни фарқлаш талаб этилади:

- 1) Ишлаб чиқариш жараёни.
- 2) Меҳнат фаолияти.
- 3) Меҳнат тайёргарлигини амалий шакллантириш.

1. Ишлаб чиқариш жараёни деб хом ашё ва материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш учун бажариладиган барча ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини асосан меҳнат предметларини бевосита ўзгартиришни кўзда тутувчи технологик жараён ташкил қилади. Ўз навбатида технологик жараён меҳнат предметларининг шакли ва ўлчамларини, ҳолати ҳамда физик хусусиятларини, деталларнинг ўзаро жойлашишини ўзгартиришни кўзда тутди.

Ишлаб чиқариш жараёнига технологик жараёндан ташқари меҳнат предметларининг транспортировкasi ҳамда маҳсулот сифатини назорат қилиш киради.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни айнан меҳнат жараёни ва у билан боғлиқ бўлган, ишчининг бошқарувида амалга оширувчи техник, физик-химик ҳамда биологик жараёнлар боғлиқлигидан иборат бўлади.

2. Меҳнат фаолияти - ишчининг меҳнат предметига кўрсатадиган таъсирини ва ишчи жиҳозларни бошқарувчи ақлий ва жисмоний ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва унга хизмат кўрсатишни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш_- деганда бажариладиган вазифа билан танишиш, материал танлаш, технологик жараён кетма-кетлигини ишлаб чиқиш кабилар тушунилади.

Тайёргарлик босқичида тегишли материаллар, асбоблар ва жиҳозлар технологик жараёнларни ростлаш кабилар амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни амалга ошириш босқичида меҳнат операцияларини қўлда бажариш, ишчи жиҳозларни бошқариш, технологик жараёнларни ростлаш кабилар амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш_технологик жиҳозлар ишини, махсулот сифатини назорат қилиш назорат қилиб боришни кўзда тутди.

Хизмат кўрсатиш босқичи жиҳозлар ишини даврий равишда текшириб бориш, носозликларни бартараф этиш, иш ўрнини ташкил этиш кабиларни камраб олади.

Ўз вазифаси ва натижаларига кўра меҳнат ҳаракатлари асосий ва ёрдамчи турларга бўлинади.

Вазифасига кўра бевосита белгиланган технологик жараёни кўзда тутувчи ва ҳамиша у билан бир вақтда амалга оширилувчи ҳаракатлар асосий хисобланади. Унга амалга ошириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш вазифалари киради.

Меҳнат предметиға бевосита жиддий таъсир ва ўзгартириш киритишни кўзда тутмайдиган ҳаракатлар ёрдамчи хисобланади. Унга режалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш вазифалари киради.

Ишлаб чиқариш таълимининг вазифаси таълим олувчини маълум меҳнат операцияларини бевосита бажаришга тайёрлашдан, бошқача қилиб айтилганда, ўзлаштирган билимларини амалга қўллашдан ўргатишдан, касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ўқувчиларнинг кўпчилик касблар бўйича ишлаб чиқариш таълими учта асосий босқичға:

- 1) Ўқув устахоналарида, ўқув майдонларида, ўқув лабораторияда, билим юртининг ўқув хўжаликларидаги ишлаб чиқариш таълими.
- 2) Ишлаб чиқариш шароитидаги (корхоналар, қурилишларда, хўжаликларда) ишлаб чиқариш таълими.
- 3) Ишлаб чиқариш тажрибасига бўлинади.

Ҳар бир босқич ўзига хос мақсадға ва ўқув жараёнларида ўз ўрниға эға бўлиб, касб хусусиятиға қараб улар турли муддатли бўлади ва улар ишлаб чиқариш таълими дастури билан белгиланади. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш

таълими ишлаб чиқариш таълими устози раҳбарлигида амалга оширилади. Бу устоз ўзига бириктирилган гуруҳга билим юртларидаги таълимнинг бошидан охиригача раҳбарлик қилади.

Касбий педагогикада таълим жараёни (ўқув жараёни) деганда ўқитувчининг (муаллим, устознинг) ҳамда унинг раҳбарлигидаги ўқувчилар билим, кўникма ва малакалар тизимининг онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришга, уларни ҳаётга татбиқ этиш малакасини шакллантиришга, мустаҳкам фикр юритишни, кузатувчанлик ва ўқувчиларнинг бошқа нарсаларни билиш қобилиятини ривожлантиришга, ақлий ва жисмоний меҳнат маданиятини эгаллашга, қаратилган изчил ва ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Ўқув жараёнининг бир қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш таълими учун унинг барча умумий қонуниятлари ҳам ҳосдир. Ишлаб чиқариш таълими ўзига хос жиҳати аввало шундан иборатки, бунда ўқув жараёни ўқувчиларнинг унумли меҳнати давомида амалга оширилади. Бу эса ўқув жараёнининг ўзига хослигини (унинг мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти, таълим воситаларини, унинг барча таркибий қисмларини) келтириб чиқаради.

Касб-ҳунар коллежларида малакали мутахассислар тайёрлаш мазмуни қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак.

Ўқитиш мазмуни миллий мафкуранинг мақсад ҳамда вазифаларига мос бўлиши.

Бу талаб ўқувчиларнинг мустақил давлат тузумининг афзалликларини онгли равишда тушунишлари, уларни иқтисодий имкониятларини миллий мафкура ғояларига содиқлик, меҳнатга ва ижтимоий мулкка ижобий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни кўзда тутди.

Ўқитишнинг тарбияловчи характери талабларидан ўқув дастурлари ҳамда дарсликларда ўқитиш мазмунини аниқлаш, ўқув ишлари жараёнида ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар ўтказишда фойдаланилади.

Ҳар бир ўқув фани дастури ўқув материалининг мазмунини шундай очиқ берадики, унинг ўрганилиши ўқувчиларнинг баркамол инсон сифатида камол топишига, дунёқарашини шакллантиришга, уларни миллий мафкура ғоялари руҳида, жамиятнинг ахлоқий меъёрлари руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчиларда малакали мутахассисларга хос фазилатлар - меҳнатни режалаштириш жараёни ва натижаларни мустақил назорат қилиш, меҳнат топшириқларини ижодий ҳал этиш, коллективда ишлаш ўқувларини ҳосил қиладики, бу шахснинг миллий тарбиясига ва баркамол тарбияланишига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда бўлажак мутахассиснинг юқори даражада механизациялашган ҳозирги замон ишлаб чиқаришидаги шароитларда меҳнат қилишга мукаммал тайёрланишга ёрдам беради.

Ўқитиш мазмунининг политехник йўналишида бўлиши

Фан-техниканинг жадал ривожланиши ва бунинг натижасида меҳнат функцияларининг характери ва мазмунида доимо бўлиб турадиган ўзгаришлар ҳозирги замон мутахассисисда мазкур ишлаб чиқаришнинг бутун тизимини

яхши биладиган, технология жиҳатидан турдош соҳаларида ишлай оладиган, асбоб-ускуналарни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш функцияларини бирлаштира оладиган қилиб тайёрлашни тақозо этади.

Бунинг учун ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнларига асос бўлган тамойилларни билиши, мутахассисларнинг ишлаб чиқариш ихтисослигини кенгайтиришга ёрдам берадиган касбий билим ва укувларини эгаллаши зарур. Шундай қилиб, малакали мутахассисни касбий-техникавий тайёрлаш мазмунини (ишлаб чиқаришнинг маълум соҳаси чегараларида) политехник йўналишларга бўлиш керак. Ушбу политехник йўналиш фақат битта фанга таалукли бўлмай, балки ихтисосидан қатъий назар, тармоқ доирасида ўқиётган барча ўқувчилар учун мажбурий бўлган бирнеча умумтехника ёки махсус фанлар бўлимларига доир билим, укувлар тизими таалуклидир. Масалан, машинасозлик касблари учун булар техникавий механика, қўйимлар ва техникавий ўлчашлар, техникавий чизмачилик, электротехника, саноат электротехникаси, машинасозлик технологияси асосларига оид билимлардир. Малакали мутахассислар тайёрлаш мазмунини таҳрифлашнинг бундай тамойили ишлаб чиқаришнинг барча тармоқари ихтисосликлари учун хосдир.

Касб таълимининг умумтаълим мактабларида ўқитиш билан узвий изчилликда бўлиши. Касб-хунар коллежларига умумтаълим мактабининг 9-синфини битирган ёшлар келади. Шу сабабли малакали мутахассисларнинг умумтехникавий ва махсус тайёргарлиги ўқувчилар фанлар асосларидан мактабда олган билимларига асосланади. Иккинчи томондан, умумтехникавий ва махсус тайёргарлик бу билимларни татбиқ этиш, ривожлантириш ва чуқурлаштириш имконини бериши керак. Касб хунар коллежларида ўтиладиган умумтаълим фанларида ўқувчилар кундузги умумтаълим мактабининг IX ва X синфлари дастури асосида ўрганадилар.

Касб таълимининг умумтаълим мактабларида ўқитиш билан таълим-тарбиявий иш шакллари ҳамда усуллари (метод) билан ҳам узвийликда бўлишликни назарда тутаяди.

Малакали ишчи тайёрлашнинг барча томонлари бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги. Малакали мутахассислар тайёрлашни шартли равишда умумтехникавий, махсус (махсус фанлар ва ишлаб чиқариш таълими) ҳамда умумтаълим (шу жумладан ижтимоий фанлар, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия) тайёргарликка бўлиш мумкинки, булар ягона тизим бўлиб, ўзаро чамбарчас боғланган. Шу сабабли, ўқитиш мазмунини аниқлашда умумтаълим, умумтехника ва махсус фанлар ўқитишнинг шундай кетма-кетлиги (тартиби) кўзда тутиладики, булар ўқувчиларнинг умумтаълим тайёргарлигини умумтехникавий тайёргарлик учун асос бўлади, умумтехникавий тайёргарлик эса, ўз навбатида, махсус тайёргарлик билан ишлаб чиқариш таълимига асос бўлади. Умумтехника ва махсус фанларнинг ўқув материали бир-бири билан ҳам, умумтаълим фанлари, аввало физика, математика ва химия билан ҳам ўзаро боғланган. Бу ҳол математика ва

механизмларнинг ишлаш тамойилини физика қонунлари билан, жараёнлар химизмини эса кимё қонунлари билан асослашда, шунингдек дастурларга ўқувчиларнинг кенг математик тайёргарликка эга бўлиши талаб этиладиган ҳисоблар ҳамда амалий машқлар киритишда ифодаланган. Фанлар орасидаги боғланишлар ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги боғланиш ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги объектив боғланишларда, ҳар қайси фаннинг ички мантикида акс эттирилади.

Ўқитиш мазмунининг илмий - техника тараққиёти талабларига мос келиши. Бу талаб машина, механизм, аппарат ва асбобларнинг тузилиши ҳамда ишлашидаги илмий тамойиллар, улар ишининг ишончлилиги ва пухталигини чуқур ўрганиш, типовой технологик жараёнларнинг ва бошқаларнинг илмий асосларини очиб бериш зарурлигида ифодаланади.

Шу муносабат билан ўқувчиларнинг фан ва техника соҳасида қўлга киритилган ҳозирги замон ютуқларини тегишли соҳаларда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларида новаторларнинг илғор усуллари (метод)ни билиб олиши, энг янги техника ва технология асоси юқори касбий моҳирлик ҳосил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тайёргарликнинг кенг профилда бўлиши. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши техника ҳамда технологиялар соҳасида тез ва мутассил содир бўлаётган чуқур сифат ўзгаришлари билан характерланади. Шу сабабли ҳозирги замон мутахассисларни тайёрлаш мазмунининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш шароитларига тез киришиб кетишга имкон берувчи фазилатлар ҳосил қилишдан иборат. Бунга тайёргарлик профилини кенгайтириш йўли билан эришилади.

Тайёрлаш кенг профили тўғрисида гап борар экан, «кенг ихтисосли мутахассис» ва «кенг ихтисосли касб тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак.

Кенг ихтисосли мутахассис учун муайян касбий талаблар чегарасида хилма-хил ишлар бажариш ҳосдир. Бундай мутахассисдан касб усуллари пухта эгаллаб олишгина эмас, балки умумтехникавий ва махсус билимлар чуқур, ҳар томонлама билиш ҳам талаб этилади.

Кенг ихтисосли касб характер (тавсиф) жиҳатидан ёндош иш турларини ўзида мужассам қиладики, уларни ишлаб чиқариш шароитлари тор ихтисосли мутахассисларгина бажара олади. Мутахассиснинг кенг ихтисосли касб эгаллаши унга иш вақтидан яхшироқ фойдаланишга, асбоб учкунанинг бекор туриб қолишига барҳам беришга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Масалан, умуммонтаж ишлари ва умумий ишларга мўлжалланган асбоб-ускуналар чилангар (слесарь) - монтажчи, тракторчи-машинист, кимёвий ишлаб чиқариш аппаратчиси, механика-йиғув ишлари чилангари, чилангар-ремонтчи, электр асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатувчи ва улар ремонт қилувчи элетромонтер ва шу кабилар кенг ихтисосли касблар киради.

Кенг ихтисосли касблар бир неча тор ихтисосликларни шунчаки бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинмайди. Бу касблар ишлаб чиқаришнинг объектив талаблари асосида илмий-техника тараққиётининг натижаси сифатида пайдо бўлади.

Шундай қилиб, тайёрлов профили кўламини сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам олиб қараш керак. Унинг сифат жиҳати ишларнинг мураккаблиги билан тавсифланади. Миқдор жиҳати эса маълум малакали ишчи бажарадиган ишларнинг хилма-хиллиги билан ифодаланади.

2.2.-. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш усуллари

Касб-ҳунар таълими буйича ўзлаштиришни ҳисобга олиши ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг илмий-техникавий билимлари ва меҳнат кўникмалари ҳамда малакаларини даражасини текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Меҳнат ва ҳунар таълимининг ҳамма босқичларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вақтида касб-ҳунар таълими усуллари эгаллаш ҳамда мустаҳкам меҳнат топшириқларини, график ишларини ва уй вазифаларини бажариш вақтида ўқувчиларнинг касб-ҳунар таълимига оид билимлари ҳамда меҳнат кўникма, малакалари текширилади ва уларга баҳо қўйилади.

Ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини мунтазам текшириб бориш ва унга баҳо қўйиш уларнинг берилган топшириқларини ўз вақтида пухта бажаришларини таъминлайди, илмий-техникавий билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларини астойдил эгаллашга ундайди.

Ўқув-меҳнат фаолиятини текшириш ва унга баҳо қўйиш жараёнида меҳнат ўқитувчиси, уста ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларида мавжуд бўлган камчиликларнинг сабабларини аниқлайди ва уларни тузатиш тадбирларини белгилайди. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчи, устага ўзининг педагогик фаолияти натижаларини ҳам баҳолашга, яъни у ўқув материални кўрсатиши, меҳнат ва ҳунар таълимининг ташкилий формалари, методларидан ҳам кўрсатмали қўлланмалардан самарали фойдаланишга, мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қила олишига баҳо бериш имконини яратади. Шундай қилиб, ўзлаштириш тўғрисида олинган маълумот ўқитувчига, устага ўқувчиларнинг билим ва амалий фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш имконини туғридиради. Ўқувчиларнинг илмий-техникавий билимларини меҳнат кўникмаларини ва малакаларини ҳар қандай текшириш асосида баҳо қўйиш ётади.

Баҳо қўйишда оқилона йўл тутилиб, методик жihatдан тўғри ёндошилганда у ўқувчининг қизиқиши ҳамда ўқишга бўлган ҳохишини рағбатлантириш ва аксинча нотўғри қўйилган баҳо унинг ўқишга салбий таъсир этиши мумкин. Баҳо тарбиявий воситалардан бири бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам баҳо қўйишда уста ва ўқитувчининг ниҳоятда объектив бўлиши талаб қилиниди. Баҳо сира ҳам ошириб юборилмаслиги керак. Чунки, бу ўқувчини ва унинг ота-онасини нотўғри фикрга олиб боради. Шунингдек, баҳоларни пасайтириб юбориш ҳам зарарлидир, чунки у ўқувчини камситади, ўз кучига бўлган ишончни йўқотади, ўқишга қизиқишни пасайтиради.

Кўпинча уста ва ўқитувчилар ўқувчиларнинг интизомига оид бирорта камчилиги учун баҳони пасайтириш каюи хатоларга йўл қўядилар. Бу ўринда уста ва ўқитувчи тарбиявий таъсир курсатишининг бошқа воситаларидан фойдаланиши лозим.

Касб-ҳунар таълимида ўзлаштиришни ҳисобга олиш бу ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакалари даражасини текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олиш яъни аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вақтида, ўтилган ўқув материалларини ўзлаштириш, меҳнат усулларини эгаллаш ва мустақил меҳнат топшириқларини, график ишларини ва уй топшириқларини бажаришлари ҳамда ўқувчиларнинг билимлари текширилади ва унга баҳо қўйилади.

Ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини мунтазам текшириб бориш ва унга баҳо қўйиш уларнинг берилган топшириқларни ўз вақтида ва пухта, мустақил бажаришларини таъминлайди, илмий-техникавий билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларни астойдил эгаллашга ундайди. Шу билан бирга ўқитувчи ва ишлаб-чиқариш таълими ўқитувчиларининг ўқувчиларда мавжуд бўлган камчиликларини аниқлаш билан бирга уни тузатиш чораларини излашга ундайди.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчиларнинг фаолиятига баҳо беришга ҳам асос бўлади. Яъни, у ўқув материални қанчалик тушунарли қилиб баён қила олиши ва меҳнат усулларини кўрсатиши, меҳнат ва ҳунар таълимининг ташкилий формалари, методларидан ҳам кўрсатмали қўлланмалардан самарали фойдаланишига, мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг бажарилишга раҳбарлик қила олишига баҳо бериш имконини беради.

2.3.-. Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитларини яратишнинг

асосий йўллари.

Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитлари қуйидагиларни: мос технологияни, иш тартибини, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни, қулай иш

шароитларини, хом ашёларни, ярим маҳсулотларни, иш ўринларини ташкил қилишни ва жихозлардан, хдмоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, хавфсизлик талабларини бажариш, касбига қараб танлов ўтказиш ва ишчиларни ўқитиш, техник-меъёрий хужжатларга хавфсизлик воситаларини киритиш билан таъминланади.

Технологик жараёнларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизлик талаблари олдиндан назарда тутилмоғи шарт. Бунинг учун ишлаб чиқаришда зарарли таъсирларнинг олдини олиш, ишдаги операсия ва жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда унда масофадан туриб бошқаришни қўллаш, гиподинамияга эътибор бериш, ишни оқилона ташкил этиш шу билан бир ҳаторда оғир меҳнатни чегаралашни ҳам ҳисобга олиш керак. Шунингдек, ўз вақтида ишлаб чиқариш хавфсизликлари тўғрисидаги маълумотни, жараённи бошқариш ва назорат қилиш системасини, ўз вақтида чиқиндиларни зарарлантириш, чиқариб ташлашга хавф ва зарар туғдирувчи манбаларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Иш хоналари, қурилиш меъёри ва қоидаларига (ҚМ ва Қ) мос келиши керак, хоналар ва иш жойларида хавфли ва зарарли таъсирлар даражаси меъёрий кўрсаткичлар-дан юқори бўлмаслиги шарт. Ишлаб чиқариш майдонлари ҚМ ва Қ талабларига ва давлат назорат ташкилотлари тасдиқлаган қоидаларга жавоб бериши зарур. Ишлаб чиқариш жихозлари ГОСТ 12.2,003-74 га, ҚМ ва Қ ва технологик лойиҳалаш меъёрига мос келиши ҳамда иш жойлари етарли ҳолда ёритилган бўлиши шарт.

2.4-§. КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси.

Мавзу	Пўлатларга термик ишлов бериш турлари
--------------	--

- **Таълим бериш технологиясининг модели**

Машигулот вақти - 2 соат	Талабалар сони: 30 – 60 гача
Машигулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Пўлатларни термик ишлаш турлари. 2. Пўлатларни юмшатиш 3. Пўлатларни нормаллаш 4. Пўлатларни тоблаш ва бўшатиш

Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга пўлатларни термик ишлов бериш турлари тўғрисида билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш.

Педагогик вазифалар:

- Пўлатларни термик ишлаш турлари ҳақида маълумот бериш.
- **Пўлатларни юмшатиш тўғрисида умумий тушунча бериш.**
- Пўлатларни нормаллаш тўғрисида умумий тушунча бериш.
- Пўлатларни тоблаш ва бўшатиш ҳақида маълумот бериш.

Ўқув фаолияти натижалари:

- Пўлатларни термик ишлаш турлари тўғрисида маълумот оладилар.
- Пўлатларни юмшатиш тўғрисида умумий тушунча оладилар.
- Пўлатларни нормаллаш тўғрисида умумий маълумот оладилар.
- Пўлатларни тоблаш ва бўшатиш ҳақида тушунчалар оладилар.

Таълим бериш усуллари

Кўргазмали маъруза, суҳбат, «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методи

Таълим бериш шакллари

Оммавий, жамоавий

Таълим бериш воситалари

Таълим бериш шароити

**Ўқув қўлланма, проектор
ЎТВ билан ишлашга
мослаштирилган аудитория**

Мониторинг ва баҳолаш

Оғзаки назорат: савол-жавоб

Дарс ишланмаси: «Пўлатларга термик ишлов бериш турлари» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичл ари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргар-лик босқичи	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Маъруза мавзуси эълон қилади ва мавзу режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхатини намойиш қилади. (2-илова) 1.3. Билимларни фаоллаштириш жараёнида фаол иштирок этишган талабаларни баҳолаш учун баҳолаш мезонлари билан таништиради. (3-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Пўлатларни термик ишлаш турларини акс эттирувчи Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилади ва изоҳлаб, тушунтириб беради (4-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Пўлатларни юмшатишни ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (5-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.3. Пўлатларни нормаллаш тўғрисида талабаларга маълумотлар беради (6-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.4. Пўлатларни тоблаш ва бўшатиш	Тинглайдилар,

	тўғрисида тушунчалар беради (7-илова)	ёзадилар.
	2.5. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. «Фикрларнинг шиддатли хужуми» методидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (8-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3.Якуни й босқич <i>(10 дақиқа)</i>	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун “Пўлатларга термик ишлов бериш” мавзусини тақдим этади ва ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

2.5.-§.Тажриба синов ишларининг қўйилиши

КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологиясининг асоси деб таъкидлаш, назариянинг нисбий ривожланишини инкор этмайди, лекин муайян назариянинг ҳақиқатга тўғри келишини тажриба тасдиқлайди. Тадқиқот ишининг асосий ҳолатларини тажриба синов ишлари бир неча босқичда амалга оширилади.

Тажриба синов ишларининг ўтқозишдан олдин қуйдаги вазифалар белгиланади:

1.Ўқувчиларда политехник билимларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимини синаб кўриш:

2.Топшириқлар тизимини аниқлаштириш ва тўлдириш, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

3.Топшириқлар тизими асосида шакллантирувчи тажриба синов ишларини ўтқозиш:

4.Шакллантирувчи тажриба синов натижаларининг сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳолашни амалга ошириш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун кузатиш, суҳбат ва сўровномалар ўтказиш, тажриба синов, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш каби тадқиқот методлари қўлланилади.

Тажриба синов ишларининг мақсади КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси асосида ташкил этиш, уларнинг мустақил таълим олишга ундовчи омилларни ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт шароитлардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйдаги вазифалар ҳал этилди:

- КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси асосида ўқувчиларни тайёрлаш жараёни ёритувчи ўқув меъёрий ҳужжатларни (Давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастурлар ва ҳ.к) ўрганиш асосида ўқув тарбия жараёнида ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш;

- анкета сўровлари ёрдамида меҳнат таълими йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси асосида тарбиялашни ташкил этиш жараёнининг моҳияти борасидаги асосий тушунчаларни ўзлаштирганлиги ҳақида маълумотларни аниқлаш;

- ўқувчиларни КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси асосида фанларнинг мавзулари мисолида ҳамда мустақил бажариш учун берилган топшириқлар ёрдамида ўрганиш;

- КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси асосида умумкасбий дарсларида ўқувчиларни техник конструкциялаш таълим олиш хусусиятлари шаклланишига эришиш.

Тажриба синов ишлари Қ.М.Абдуллаева, В.П.Беспалько, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган тавсиялар, кўрсатмалар асосида, давлат таълим стандартлари ҳамда таълим мақсадларига мос равишда олиб борилди.

Тажриба синов ишларининг олиб бориш жараёнида ўқувчиларда техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш технологияси шаклланганлик даражасини аниқлашда уларнинг шахсида қуйдаги хусусиятларининг акс этишига алоҳида эътибор қаратилади.

А) мустақил ишлай олиш.

Б) мустақил таълим олишга интилиш.

В) техник конструкциялаш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш.

Тажриба синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида респондентлар тенг асосда тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳида амалиётчи томонидан тавсия этилаётган ўқувчиларни техник

конструкциялаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ёрдам берувчи методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув тарбия ишлари олиб борилди.

Умумқасбий туркумидаги фанидан амалиёт жараёнида 30 нафар (тажриба 18та, назорат 12та) талаба иштирок этди.

Ўқувчилар билимларини баҳолашда 100 баллик рейтинг тизимидан фойдаланилди.

Умумқасбий туркумидаги фанининг танланган методика бўйича самарадорлигини текшириш амалиётчи ҳамда шу фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Тажриба синов ишларини бошлашдан аввал ва унинг давомида фан мазмунини очиқ берувчи маълумотлар, амалиётчи ҳамда ўқувчилар томонидан ўтказилган тажриба синов ишлари натижаси тадқиқотимиз илмий фаразини текшириш жараёнида ўқувчиларнинг билим даражаларини ўсиб бориши таснифланган мезонини кўрсатди. Умумқасбий туркумидаги фани юзасидан маълумотларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларини шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ижодий фаоллигини ҳамда касбий сифатларини ривожлантириш Умумқасбий туркумидаги фанининг асосий кўрсаткичлари сифатида қабул қилинди.

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Таълим муассаса	Ўқувчилар сони Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
2013/2014 ўқув йили февраль- май оида	Коллеж	18	12	аъло	3(16%)	2(16%)
				яхши	5(27%)	4(33%)
				ўрта	10(56%)	6(50%)

Умумқасбий туркумидаги фан бўйича ўқув йилининг тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида ўтказилган якуний назорат ҳамда тест синовларининг натижалари жадвалда берилган тадқиқот давомида “Ақлий хужум”, “Муаммоли ўқитиш”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Айланма стол”, “Гуруҳларга бўлиш” каби методларга асосланган “педогогик ўйинлар” ташкил этилди. Умумқасбий туркумидаги фанидан дарс турларини қуйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: янги мавзунини тушунтиришда кўргазмали методдан фойдаланиш, муаммоли вазиятларни юзага келтириш, мунозара

уюштириш, ўқувчиларнинг фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашиш, ижодий фаолликларини ўстириш, мустақил фикрлашларини шакллантириш, янгиликка бўлган интилишларини ривожлантириш кабилардир. Мазкур методлар Умумкасбий туркумидаги фанидан дарс ҳамда мустақил таълим машғулотлари давомида ҳам ўтқазилади. Тадқиқот давомида дарс учун мақсадга йўналтирилган мазмунни танлаш, таҳлил қилиш, ўқувчи олган билимини амалиёт даврида қўллай олиши кўрсатмалар асосида бажарилди.

Ўқувчиларни тажриба охирида Умумкасбий туркумидаги фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланиши даражаси.

Ўқув йили	Таълим муассаса	Ўқувчилар сони		даражаси	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи			
2013/2014 ўқув йили февраль-май ойда	Коллеж	18	12	Аъло	6(33%)	3(25%)
				Яхши	7(38%)	5(41%)
				ўрта	5(28%)	4(33%)

Гуруҳдаги ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бериши ҳисобга олинган. Тажриба синов асосида Умумкасбий туркумидаги фанларининг янги педогогик технологиялар асосида ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш учун ўқувчилардан олинган якуний саволлар, тест ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижалари сифат ҳамда миқдор бўйича таҳлил қилинди.

Қуйдаги жадвалдан янги педогогик технологиялар асосида ўқитиш жараёнида ўқувчилар билим даражаси динамикасини ўзгартириши келтирилган.

Ўқувчиларнинг Умумкасбий туркумидаги фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланиши кўрсаткичлари.

Ўқув йили	Таълим муассаса	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳлари		Назорат гуруҳлари	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида

2013/2014 ўқув йили февраль- май ойда	Коллеж	Аъло	3(16%)	6(33%)	2(16%)	3(25%)
		Яхши	5(27%)	7(38%)	4(33%)	5(41%)
		ўрта	10(56%)	5(28%)	6(50%)	4(33%)

Натижалардан кўриниб турибдики, КХКларда ўқувчиларнинг техник конструкциялаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш технологиянинг унумли фойдаланган ҳолда юқори баҳо олган тажриба гуруҳи ўқувчиларида билим даражасининг шаклланганлик кўрсаткичлари натижаларига кўра 43 % дан 72% фоизга, назорат гуруҳларида 49 % дан 66 % фоизга ошган.

Хулоса

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб масалалардан бири кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган комил инсонни шакллантиришда.

Шу мақсадда Республикамизда таълим соҳасида катта эътибор берилмоқда. Бунга: мактабларни янги жаҳон талаблари даражасида жиҳозлаш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларини қурилиши мисол бўла олади. Бундан ташқари ўзликсиз таълим тизимидаги янги таълим туридаги ўрта махусус, касб - ҳунар муассасаларида малакали ишлаб чиқариш мутахассисларини тайёрлаш талабалар томонидан умумкасбий, махсус фанларни ҳамда ишлаб чиқариш таълимининг асосларини чуқур ўзлаштиришни, уларда ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишлари учун зарур билим, кўникма ва аалакаларга эришиши зарур.

Шу мақсадда янги технологик жараёнлар бўйича ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳам ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири. Хулоса қилиб айтганда менинг ўз олдимга қўйган мақсадимга эришдим деб ўйлайман, чунки, ҳозирги кунда нафакат олий ўқув юртларида, балки мактаб, касб-ҳунар коллежларида янги технологик жараёнлар, яъни лазерлар ҳақида маълумотларни ўқувчиларга талабаларга етказиш керак деб ўйлайман.

Касб-ҳунар таълими мазмунини режалаштириш, меъёрлаш ва рейтинг тизимини қўллаш касб-ҳунар таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, шу даврга қадар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг ушбу омиллари умумий мажмуа сифатида, замонавий талаблар даражасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилмаганлиги талаб даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш имконини бермайди.

Қаралаётган муаммони ҳал қилиш борасида амалга оширган тадқиқот ишимиз натижалари қуйидагича хулосалар чиқариш учун асос бўлди:

- 1) Касб-ҳунар таълими тизими мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ҳар томонлама камолга етган, техникавий маълумотли, ғоявий турғун, ўз касбини пухта эгаллаган, янги техникани ўзлаштира ва такомиллаштира оладиган ва меҳнат анъаналарини бойита биладиган ёш мутахассислар тайёрлаш лозим.
- 2) Касб-ҳунар таълими методлари ўқитувчи, уста ва ўқувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари қамраб олади ва ўқувчиларнинг техник-технологик билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларини эгаллашларига, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришга, мустақил равишда билим олишга бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.
- 3) Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни таҳлимнинг негизини ташкил этиб, унинг асоси, муҳим шарти сифатида юзага келади ва фундаментал аҳамиятга касб этади.
- 4) Тадқиқот натижасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларни тажриба-синовдан ўтказиш, уларни баҳолаш ва такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқилди.
- 5) Меҳнат ва ҳунар таълимининг ҳамма босқичларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вақтида касб-ҳунар таълими усуллари эгаллаш ҳамда мустаҳкам меҳнат топшириқларини, график ишларини ва уй вазифаларини бажариш вақтида ўқувчиларнинг касб-ҳунар таълимига оид билимлари ҳамда меҳнат кўникма, малакалари текширилади ва уларга баҳо қўйилади.
- 6) Узлуксиз таълим тизимини барча босқичларида таълимнинг сифати ва натижалари, давлат таълим стандартлари талабларига мослигини баҳолашда рейтинг тизими энг замонавий усул эканлиги асосланди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Бакалавр мутахассислиги бўйича малака тавсифномалари, фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари. // Ўзбекистон Республикаси Педагогика институтларининг Саноат-педагогика факультети мутахассисларига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. - Т.: Низомий номли ТДПИ, 1996. 124 б.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.// -Т.:”Шарқ”, 1997. - 63 б.
3. Давлатов К. ва бошқ. Касб-ҳунар таълими назарияси ҳамда методикаси: Пед.олий билимгоҳлари индустриал-пед.фак.талабалари учун ўқув қулл. - Т.:Ўқитувчи, 1992 - 320 б.
4. Давлатов К.Д. «Касб-ҳунар таълими, касб танлаш, меҳнат тарбияси ва услубиёти». -Т.: Меҳнат, 1994..
- 5.. Давлатов К. Касб-ҳунар таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар. - Т.: Ўқитувчи, 1995. 267 б.
- 6.. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. -Т.,1997. 168 б. .
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:”Ўзбекистон”, 1998. - 686 б.
8. Меҳнат таълими методикаси. Д.А.Тхоржевский таҳрири остида. - Т.:”Ўқитувчи”, 1987. 444 б.
9. Скакун В.А. Професионал-техника таълими билим юртларида махсус ва умумтехника фанлари ўқитиш. Тошкент, Ўқитувчи, -1981.
12. Бабанский Ю.К. +озирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. 230 б.
13. Меҳнат таълими методикаси. Д.А.Тхоржевский таҳрири остида. - Т.:”Ўқитувчи”, 1987. 444 б.
14. Педагогика. С.Р.Ражабов таҳрири остида.-Т.:”Ўқитувчи”,1981. 396 б.

Degree — илмий даража
Discovery — кашфиёт
Differential calculus — дифференциал ҳисоблаш
Law of gravitation — тортишиш қонуни
Rainbow — камалак
Perpendicularly — перпендикуляр ҳолда
Upwards — тепага
System- тизим
Public- ижтимоий
Education- таълим
To include- ўз ичига олмоқ
Primary- бошланғич
Secondary school- ўрта мактаб
Piece of art is on display- санъат асари намойиш этилмоқда
Development - тараққиёт, ривожланиш
Artist - санъаткор
Devote -бағишламоқ
Effort - куч,қувват
Creation - яратилиш
Hall - зал
Citizen - фуқаро
Wood - дарахт, ўрмон
Lately - кейин